XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 10 - yanvar VI-38-5-3-45-K/22 G‘allaorol tumani hokimligi

Ғаллаорол туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари, Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашининг 2022 йил 5 январдаги № VI-31-5-3-0-K/22 - сонли қарори ҳамда Жиззах вилоят Молия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги № 01-20-08-01-39/76–сонли хатига асосан 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ 742-сонли Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетининг даромадлари 57 795,3 млн.сўм, харажатлари 185 104,5 млн.сўм миқдорда, 1-иловасига мувофиқ республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган трансфертлар 98 821,1 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил учун туманнинг даромадлар прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари тўлиқ туман маҳаллий бюджетларида қолдирилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи.
- Акциз солиғи (бензин, дизелъ ёқилғи газ истеъмол).
- Тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқ.
- давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

б) Вилоят бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

- Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар айланмадан солиқ.
- қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);
- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;
- айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;
- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш йиғими ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);
- Хусусийлаштиришдан тушум
- Бошқалар

в) Қолган солиқ турлари вилоят ва туманлар ўртасида ажратма меъёридан келиб чиқиб тақсимот қилинади.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини янада

ошириш учун 2022 йилда ҳам қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкасидан келиб чиқиб туман ва шаҳарлар кесимида Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициент қўллаш, туман Халқ депутатлари кенгаши вилоят кўрсаткичига нисбатан 0,7 дан 1,3 гача миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини белгилаш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, молия йили давомида туман маҳаллий бюджетини баланслаштириш жараёнида назарда тутилмаган (ҳисобга олинмаган) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тушумлар кузатилса, ушбу тушумлар тўлиғича туман маҳаллий бюджетига ўтказилади.

7. Ушбу қарорнинг 3-иловасига мувофиқ туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари маълумот учун қабул қилинсин ҳамда республика бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ўтказиладиган тартибга солувчи трансфертлар миқдори тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

8. Туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари **4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

9. Туман бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2022 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми **1,7 млрд**.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджет параметрларида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. Туман ҳокимлиги ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг 5 фоизига тенг миқдорида 6-иловага мувофиқ маблағ режалаштирилишини таъминласин.

11. 2022 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

12. Туман бюджетларида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида тегишлича туман Халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда тегишли ҳокимларнинг қарор ва фармойишларига асосида ишлатилиб кейинчалик Халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

13. Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган туман маҳаллий бюджетининг даромадлар прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, туман ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш бўйича мурожаат қилади. Туманда шундай холат кузатилса, тегишли маҳаллий ҳокимликлар ҳам вилоят ҳокимлигига худди шу тартибда мурожаат этади.

14. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча равишда амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

15. Туманлар ҳокимлиги тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

16. Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида

Бюджет маблағи тақсимловчилари;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради.

Туман давлат солиқ солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, шунингдек тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилари кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

Туман молия бўлими бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар кесимида туман маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

17. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров, туман молия бўлими (М.Турдимуродов), туман давлат солиқ инспекцияси (Н.Мамаев)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Қарор расмий нашрларда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур қарор “Ғаллаорол овози” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг gallaorol.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари

туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
1-илова

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
Ғаллаорол тумани	147 922 030,0	28 488 030,0	119 434 000,0	57 795 300,0	61 638 700,0

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
2-илова

Ғаллаорол туманида Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслар-дан олинадиган фойда солиғи	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Ғаллаорол тумани	40	100	100	100	100	10	100	100	50	100	10

Изоҳ: *** Ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблаглари

Бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетига тушумлар

Вилоятга бўйсунадиган туман ва шахар бюджетининг бошка тушумлари

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
3-илова

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари режаси

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
Ғаллаорол тумани	185 104 489,0	57 795 300,0	28 488 030,0	98 821 159,0	185 104 489,0

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
4-илова

Ғаллаорол туман маҳаллий бюджети даромадларининг

2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг
сўмда

Т/Р	Даромад турлари	2022 йил контингент режа	Туман маҳаллий бюджетига ажратма меъёри	Шундан	
				Туман бюджетига	Вилоят бюджетига
ЖАМИ		**147 922 030**		**86 283 330**	**61 638 700**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	3 321 000	100	3 321 000	0
2	Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	7 291 000	0	0	7 291 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	40 622 000	40	16 248 800	24 373 200
4	Тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқ	942 000	100	942 000	0
5	Акциз солиғи (бензин, дизель ёқилғиси газ истеъмоли)	12 709 000	100	12 709 000	0
6	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	3 659 000	10	365 900	3 293 100
7	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	4 690 000	100	4 690 000	0
8	Юридик шахслар ер солиғи	9 489 000	50	4 744 500	4 744 500
9	Жисмоний шахслар ер солиғи	12 817 000	100	12 817 000	0
10	Норуда (қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик) солиғи	1 661 000	10	166 100	1 494 900
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 571 000	100	1 571 000	0
12	Маҳаллий йиғимлар	2 966 000	0	0	2 966 000
13	Давлат божи	3 096 000	0	0	3 096 000
14	Ижара тўлови	220 000	100	220 000	0
15	Жарималар	13 790 000	0	0	13 790 000
16	Давлат унитар корхоналари соф фойдасидан ажратмалар	40 000	0	0	40 000
17	Хусусийлаштиришдан тушум	400 000	0	0	400 000
18	Бошқалар	150 000	0	0	150 000
19	Ўтказиб бериладиган даромад (алкогол ва мобиль алоқа акциз солиғи)	28 488 030	100	28 488 030	

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
5-илова

2022 йилги Ғаллаорол туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Ғаллаорол
Харажатлар миқдори, Жами		**185 104 489,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**185 104 489,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**9 368 640,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 368 640,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**9 138 244,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 138 244,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**69 659 345,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	69 659 345,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият бошқармаси (Мусиқа мактаблари)**	**3 954 951,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 954 951,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Туризм ва спорт бошқармаси**	**4 181 950,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 181 950,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**618 451,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	618 451,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Ирригация бўлимлари)**	**1 336 867,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 336 867,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Ветеринария бошқармаси**	**1 463 163,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 463 163,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Меҳнат бош бошқармаси**	**793 234,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	793 234,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Молия бош бошқармаси**	**940 204,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	940 204,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Ободонлаштириш бошқармаси (Дренаж, Йўлларни жорий таъмирлаш харажатлари билан биргаликда)**	**11 708 695,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 708 695,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Давлат ҳокимият органлари**	**69 569 744,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	69 569 744,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**532 201,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	532 201,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг вилоятдаги ташкилотлари (Кутубхона 7082 102 134)**	**406 855,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	406 855,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини сақлаш харажатлари**	**1 235 504,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 235 504,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Депутатларнинг доимий комиссияларини сақлаш харажатлари**	**196 441,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	196 441,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-К/22-сон қарорига
6-илова

Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетидан 2022 йил учун «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га ажратилган маблағ миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Ғаллаорол тумани	**8 731 344,0**

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
7-илова

Ғаллаорол туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг
сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Ғаллаорол тумани	**745 000,0**

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
8-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)**
1	Ғаллаорол тумани	1,15	33 400,0

Халқ депутатлари Ғаллаорол
туман Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-38-5-3-45-K/22-сон қарорига
9-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)**
1	Ғаллаорол тумани	1,10	286,0